



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ПРИНЦИПЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Камилов Миркомил Мухторович

ИИВ Малака ошириш институти отряд командири,
Подполковник, Тел. +99899-007-40-16

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-26>

ARTICLE INFO

Received: 13th February 2023

Accepted: 22th February 2023

Online: 23th February 2023

KEY WORDS

*Ҳуқуқбузарликлар,
профилактика, ички ишлар
органлари.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунчаси, мақсади, вазифалари ҳамда принципларига оид фикр ва мулоҳазалар ёритилган бўлиб, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жиноят қонунчилигини такомиллаштириб бориш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда энг янги усул ва воситалардан фойдаланиш жиноятчилик даражасини камайтиришда қутилганидек самара бермаяпти. Деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида такроран содир этилган ва рецидив жиноятлар ҳақидаги қоидаларнинг мавжудлиги ва бу турдаги жиноятларнинг тез-тез содир этилаётганлиги жиноят учун берилган жазо ҳуқуқбузарларни ахлоқан қайта тарбиялаш вазифасини амалга оширишда қийинчилик туғдираётганидан далолат беради. Н.А. Кулдашев таъкидлаганидек, ҳар бир давлатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланган¹.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда махсус дастурлар билан бир қаторда, бир қарашда оддий кўринган бошқа ташкилий чора-тадбирлар ҳам юқори самара бериши мумкин. Аҳолининг жамиятда юз бераётган ҳар бир ҳодисага нисбатан ўзининг фаол муносабатини билдириши, хусусан, ён-атрофдаги хонадонларда юз бераётган нотинчлик, кўчада шубҳали шахслар пайдо бўлганлиги ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол хабар бериши, шунингдек уй-жой ва автомобилларни қаровсиз қолдирмаслик, жуда кўп миқдордаги нақд пул ёки қимматбаҳо буюмларни банк ва ломбардларда сақлаш одатининг шаклланганлиги ҳам потенциал жабрланувчилар сонининг камайишига хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарадорлигини ошириш, биргина чора-тадбирларни амалга ошириш билан эмас, балки ушбу тадбирларни манзилли йўналтириш ва ҳудудлардаги жиноятчилик ҳамда айрим хусусиятларини инобатга

¹ Кулдашев Н. Ўзбекистонда Жамоат хавфсизлиги соҳасида давлатхусусий шерикликни ташкил этиш масалалари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 133-140.

олган ҳолда бир сўз билан айтганда “илмий диагноз” асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасининг илмий-назарий таҳлили

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчаси «хуқуқбузарликлар» ва «профилактика» сўзларининг бирикишидан таркиб топган. Ушбу тушунчалар нафақат хуқуқ назарияси ва амалиётида, балки кўпгина фан соҳаларида кенг қўлланилади.

Шу боисдан мазкур тушунчаларнинг мазмуни бўйича турлича қарашлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида берилган хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси мазмуни талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари белгиланган ваколатлар доирасида:

- а) хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;
- б) хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш;
- в) хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида хуқуқбузарликлар



умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратadbирларни амалга оширади².

Хуқуқбузарлик барча хуқуқ тармоқлари доирасида содир этилиши мумкин. Бугунги кунда уларнинг сони йигирмадан зиёд. Масалан, конституциявий, фуқаровий, иқтисодий (мулкӣ), банк, солиқ, меҳнат, экология, тадбиркорлик, ер, сув ва бошқа моддий хуқуқ тармоқлари, шунингдек бир қатор процессуал хуқуқ тармоқларида ҳам хуқуқ бузилишлари кузатилади .

Х.Т.Одилқориев «хуқуқбузарликни хуқуқ субъектининг айбли, хуқуққа зид, жамият, давлат ва шахс манфаатларига зарар етказувчи, юридик жавобгарлик келтириб чиқарувчи қилмишдир» деб, таърифлаш билан бирга, унинг ижтимоий хавфлилик белгисига эътибор қаратади .

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/2387357>. (мурожаат вақти 22.02.2023 й.)



С.Б.Хўжақуловнинг фикрича эса «қилмиш» тушунчаси ҳаракатсизликни қамраб олмайди. Қилмиш – сўзининг маъноси қилинган иш, ҳаракат, фаолият маъноларида келган. Ҳаракатсизлик шахснинг норматив ҳужжатларда шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланидиган ижтимоий хавфли, онгли ва суст ҳулқ-атворидир. Ушбу асосга кўра у томонидан «ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик» деган таъриф ишлаб чиқилган. Ҳуқуқшунос З.Амиров ўз тадқиқоти-да ҳуқуқбузарликларни уларнинг табиати ва йўналишига кўра турли мезонлар асосида таснифлаш мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, характери, ижтимоий хавфлилик даражаси ва зарарлилиги, қўлланиладиган санкциялар нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликларни икки гуруҳга – жиноят ва ножўя қилмишларга ажратиш қабул қилинганлигини эътироф этади. Унинг фикрича ножўя қилмишларга маъмурий, фуқаровий ва интизомий ҳуқуқбузарликлар тааллуқдир.

Олиб борилган кузатишлар ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда ҳам “ҳуқуқбузарлик” тушунчаси турлича талқин қилинади. Амалий органларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг аксарияти ҳуқуқбузарлик деганда маъмурий ҳуқуқбузарликни назарда тутишади. Хусусан, ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 32 фоизи маъмурий ҳуқуқбузарлик, 36 фоизи маъмурий ва жиноий, 12 фоизи маъмурий, жиноий, фуқаровий, интизомий, қолган 20 фоизи эса жавоб беришга қийналаман деб фикр билдиришган.

Умуман олганда ҳуқуқбузарлик тушунчасига берилган таърифлар, ҳуқуқбузарликнинг тури ва мазмунига ҳам боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017 й.) қонунида (3-модда) “Коррупцион ҳуқуқбузарлик деб коррупцион аломатларга эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш” деб таъриф берилган.



Юқоридагиларга қисман қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик тушунчасига берилган турли хилдаги таърифлар

унинг биринчи навбатда амалда ўрнатилган тартибга, яъни қонунга зид хатти-ҳаракатда ифодаланган жиҳатида намоён бўлади. Ҳуқуқбузарликнинг амалдаги қонунчиликка зид қилмиш деб баҳоланиши, тўғрироғи унинг шундай воқелик сифатидаги ижтимоий хусусияти ҳуқуқбузарликнинг мавжудлигини белгиловчи ҳолатдир. Биз бу ўринда том маънодаги ҳуқуқбузарликнинг ўзинигина назарда тутмоқдамиз. Бироқ, унинг содир этилиш ҳолати, вазиятлари, усул ҳамда воситалари, шароити ва қандай субъект томонидан содир этилиши ва бошқа жиҳатлари мазкур тушунчани чуқурроқ таҳлил этишни тақозо қилади.



Шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳуқуқбузарлик тушунчасига ҳуқуқ тармоқлари ва ҳуқуқбузарликлар турларидан келиб чиққан ҳолда ягона ва мукамал таъриф ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқшунос З. Амиров ҳам ҳуқуқбузарлик категориясининг барча ҳуқуқ тармоқлари учун ягона умумназарий таърифи келтирилиши лозимлигини таъкидлаган. Юқоридаги фикрларга қисман қўшилган ҳолда “ҳуқуқбузарлик – бу содир этилганлиги учун тегишли қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик”, деган таърифини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай қонунга хилоф, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик фуқаровий, интизомий, маъмурий, ёки жиноий ҳуқуқбузарлик бўлмасин, ўзининг таркибий элементлари алоҳида белгилари ва ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Бизнингча, “ҳуқуқбузарлик” тушунчасига таъриф беришда унинг таркиби, элементлари ҳамда алоҳида белгилари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

«Словари и энциклопедии на Академике» (<https://dic.academic.ru>) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, «профилактика» тушунчаси грекча «prophylaktikos» сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранительный) маъносини беради. «Профилактика» тушунчасига «олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш» (предотвращение), «xabардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш» (предупреждение), «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Олиб борилаётган тадқиқотимиз жараёнида «профилактика» сўзининг тушунчаси билан боғлиқ бир қатор мунозарали ҳолатларни кузатиш мумкин.

Хусусан, ижтимоий тармоқ манбаларида келтирилишича “Профилактика” (грекча - прoфyлатикoс - сақлагичли) тиббиётда касалликлар ва жароҳатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, уларни ривожлантирувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлардир.

Бошқа манбада «профилактика» (грекча - прoфyлатикoс - сақлагичли) нимадир содир бўлишига йўл қўйиб бўлмайдиган дастлабки чоралар сифатида таъриф берилган.



Профилактика сўзининг туб маъноси ҳар қандай ходисаларни ёки хавф омилларини олдини олишга ёки уларни бартараф этишга йўналтирилган турли хил комплекс чора-тадбирлардир.

Ҳуқуқшунос олимларнинг баъзилари профилактика сўзини ёритишда кенгроқ, баъзилари эса нисбатан торроқ ёндошишганлигини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, С.Б. Хўжақулов «профилактика» сўзи



фақат оқибатни эмас, балки сабаб ва шароитнинг ҳам олдини олишни қамраб олади деб таъкидлаган.

Бироқ Е. Алауханов профилактика сўзининг маъносини биринчидан, жиноятнинг амалга ошишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларини аниқлашга, иккинчидан, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсни аниқлашга (уларнинг жамиятга қарши йўналганлиги ёрдамида) ҳамда улар билан зарур огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказишга қаратилган фаолиятни тушуниш лозим, деб ҳисоблайди. У нисбатан торроқ маънода яъни профилактика жиноятнинг олдини олиш билан боғлиқ тушунча эканлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Юқоридаги тушунчалар таҳлилидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, профилактика сўзи мазмунан а) ҳар қандай воқеа, ходиса ва жараёнларга огоҳлантириш орқали таъсир этади б) уларнинг сабаб ва шароитларни аниқлаши ва бартараф этишни назарда тутаяди в) воқеа, ходисалар, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналиштирилган дастлабки ва комплекс чора-тадбирларни қамраб олади.

Демак, ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган «профилактика» сўзи бошқа соҳадаги (тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқалар) «профилактика» сўзидан мазмуни, мақсади, объекти ҳамда йўналиши ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади.

Таҳлилчиларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган «профилактика» – тушунчаси турлича таърифланилиши мумкин. Масалан, профилактика атамаси ҳуқуқбузарлик сўзи билан келганда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси - яъни ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси - ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг мақсади қонуннинг 1-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мақсади эса ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат (3-м. 6-хатбоши).



Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

– жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (4-м).

Хуллас, «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчаси, мақсади ва вазифаларини билиш фаолиятни тўғри ташкил этиш, профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ва манзилли йўналтириш имконини бериб, самарадорликка эришишни кафолатлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг принциплари. Маълумки, «принцип» атамаси бош ғоя, асосий қоида маъноларини англатиб, «қонуният», «моҳият» каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий принциплари қайд этилган: қонунийлик; инсонпарварлик; тизимлилик; ишонтириш усулининг устуворлиги; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибда ёндашиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ушбу принципларни қуйидаги икки гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин:

1. *Умумий (умумҳуқуқий) принциплар:* қонунийлик; инсонпарварлик; тизимлилик.

2. *Махсус (тармоқ) принциплар:* ишонтириш усулининг устуворлиги; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибда ёндашиш.

Қонунийлик принципи ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини қатъий ва тўлиқ амалга оширилишини талаб этувчи принципдир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларга сўзсиз амал қилиши талаб этилади. Эътибор бериладиган бўлса, бу ерда нафақат қонун, балки унинг асосида ишлаб чиқиладиган қонуности ҳужжатларга ҳам амал қилиниши назарда тутилади.

Айнан шу жойда «тартиб-интизом-адолат» шиорининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин.

Инсонпарварлик принципи Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқий ҳолатини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, умуминсоний кадриятларни ўз қонунчилиги ва фаолиятига асос қилиб олди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсонпарварлик принципининг моҳияти шундаки, профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда одамларга руҳан ва жисмонан тазйиқ ўтказишга, шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишга мутлақо йўл қўйилмайди ва бу давлат томонидан кафолатланади, акс ҳолда қонунбузарлик ҳолати келиб чиқиб, қилмиш жавобгарликка сазовор бўлади.

Тизимлилик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш принципи. Ҳуқуқий нормалар ижтимоий эҳтиёжлар тизими билан ўзаро боғлиқдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида унинг тури, усули, шакли ва чора-тадбирларини қўллашда хилма-хиллик асосида ёндашишни ҳамда уларнинг ўзаро алоқада бўлган бир бутунлигини ўзида ифодалайди. Қолаверса, уларнинг мантиқий кетма-кетликда тизимли қўлланилишини талаб этади. Масалан, профилактик таъсир кўрсатишда дастлаб ишонтириш усулидан, агар у фойда бермаса, кейин мажбурлаш усулидан фойдаланилади.

Ишонтириш усулининг устуворлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципларидан бири. Ушбу принципнинг махсуслиги унинг бошқа қонун ҳужжатларида деярли кузатилмаслигидадир.



«Ишонтириш» – диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий нуқтаи назардан ҳам унинг моҳиятида беқиёс куч манбаи мавжуд эгаллигига оид фикр ва қарашлар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи субъект, бордию ижтимоий-ҳуқуқий муносабатга киришаётганда профилактиканинг объектларида (ғайриижтимоий хулқ-атворда бўлган, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ҳамда виктимлиги юқори бўлган шахсларда) ўзаро ишончни уйғота олмас экан, унда



улар ўртасида олиб борилган ҳар қандай профилактик чора-тадбирлар самарасиз яқун топади. Шунинг учун ҳам «ишонтириш усулининг устуворлиги» ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципи тариқасида эътироф этилган.

Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш. Мазкур принцип ҳам махсус принцип сифатида талқин этилади. Унинг негизида ўзаро алоқадор иккита ҳаракат мужассам бўлиб, бири ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш мазмунига эга профилактик чора-тадбирларни мазмун ва моҳияти жиҳатидан фарқлашни, иккинчиси эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган профилактик чора-тадбирларни профилактика объектларининг индивидуал хусусиятлари, яъни шахснинг ёки у содир этган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги, ёши, жинси, дунёқарashi, қизиқиш ва эҳтиёжлари, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, касби, виктимлик даражаси, характери, руҳияти, меҳнатга, ўқишга, фуқароларга ва умуман жамиятга бўлган муносабати каби жиҳатларини эътиборга олган ҳолда танлаш ва қўллашни ўзида ифода этади.

Бу борада ҳуқуқшунос Э.Х. Норбўтаев фикрича, ҳуқуқбузарликлар таркиблари лицензиялаш қоидаларининг соҳавий йўналтирилганлиги бўйича ифодаланган, қурол ёки пиротехника буюмларининг лицензиялаш тартиби талабларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ягона таркиби эса мавжуд эмас³ деб фикр билдирса З.М. Охунов ва Ш.Х. Қушбоқовлар ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида қуйидагича ёзишаган. Уларни ёзишича, ИИБ Академияси томонидан илмий изланишлар натижасида ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crimeprevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин. Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” дастурий комплекси ишга туширилди⁴.

Хулоса ўрнида, Ҳуқуқбузарликларига қарши курашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий

³ Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.

⁴ Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.



билимларини бойитиш, ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқбузарнинг тақдирини ҳал этишдаги бурч ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш орқали ушбу соҳада юқори натижаларга эришишга имкон беради⁵.

References:

1. Кулдашев Н. Ўзбекистонда Жамоат хавфсизлиги соҳасида давлатхусусий шерикликни ташкил этиш масалалари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 133-140.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/2387357>. (мурожаат вақти 22.02.2023 й.)
3. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
4. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
5. Эшмуродов Э. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 7-12.

⁵ Эшмуродов Э. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 7-12.